

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАТТАХОВА АМИНА РУСТАМОВНА

**АЛИСА ГАНИЕВА ИЖОДИ
ХОЗИРГИ РУС АДАБИЁТ КОНТЕКСТИДА**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари
тиллари ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Фаттахова Амина Рустамовна

Алиса Ганиева ижоди ҳозирги рус адабиёт контекстида 4

Фаттахова Амина Рустамовна

Творчество Алисы Ганиевой в контексте современной русской
литературы 24

Fattakhova Amina Rustamovna

Creativity of Alisa Ganieva in the context of modern Russian
literature 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАТТАХОВА АМИНА РУСТАМОВНА

**АЛИСА ГАНИЕВА ИЖОДИ
ХОЗИРГИ РУС АДАБИЁТ КОНТЕКСТИДА**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари
тиллари ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fil824 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида nuu.md.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-тълим порталаида www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Саодат Эргашевна

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джусупов Нурсултан Маханбет улы

филология фанлари доктори, доцент

Ермолин Евгений Анатольевич

педагогика фанлари доктори, профессор (Россия)

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «___» 2022 йил соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-йй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-йй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» ____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Шереметъева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Н.Э. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.А. Сидикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон гуманитар фанларида глобаллашув шароитида замонавий жамият онгини трансформация қилиш ва ижтимоий-маданий кодни алмаштириш масалалари, айниқса, муҳим масалалардан биридир. Бундай ҳолатда замонавий муаллифларнинг асарлари муҳим аҳамият касб этади, чунки уларнинг бадиий матнларида нафақат ўз давримизнинг ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликлари, балки замонавий инсоннинг дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳам акс эттирилган.

Дунё замонавий адабиётшунослигига ҳозирги адабий жараённинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий рус ёзувчиларининг ижоди ҳақида замонавий адабиётнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш нуқтаи назаридан илмий мулоҳаза юритиш зарурати нафақат жаҳон адабий жараённинг ривожланиш мантиқини тушунишга, балки замонавий жамиятнинг дунёқарашига оид дискурснинг векторларини қуришга имкон беради.

Мамлакатимизда сўнгти йилларда давлатимиз сиёсати фаннинг барча соҳаларида ислоҳотларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги сабабли адабиётшунослиқда ҳам замонавий адабий ривожланиш концепцияси фаол шакллантирилмоқда. “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг етти устувор йўналишларидан бири “маънавият тараққиётини таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш”¹ бўлиб, бу жараёнда миллий ўзликни англашни шакллантириш ва ёшларни “бағрикенглик ва умуминсоний қадриятларга хурмат”² руҳида тарбиялаш асосида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган замонавий адабиётшуносликнинг илмий муаммоларини ўрганиш мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-4947-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 06 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 прелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июнданги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/ru/pdfs/5841077>

² Ўша ҳужжат, <https://lex.uz/ru/pdfs/5841077>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маърифий ривожланишда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий адабиётшуносликда маҳаллий ва хорижий олимларнинг адабиёт тарихига оид фундаментал тарихий, маданий, назарий ва услубий тадқиқотлари³ мавжуд бўлиб, улар рус адабиётининг ўзига хослигини адабиёт фанининг турли текисликларида ўрганиб келишмоқда.

Мазкур тадқиқотнинг илмий-назарий асосларини белгилаш ва шакллантиришда Н. Лейдерман, М. Ремизова, Н. Иванова, С. Чупринин, Е. Ермолина, С. Костырко, М. Черняк, В. Пустова, С. Камилова ва бошқа кўплаб замонавий рус адабиёти тадқиқотчиларининг асарлари⁴ катта назарий ва услубий аҳамиятга эга бўлди.

Россиялик тадқиқотчиларнинг замонавий рус адабий жараёнининг умумий тараққиёти муаммоларини, хусусан, неореалистик ёзув техникасини ўрганишга бағишлиланган бир қатор диссертациялари⁵ алоҳида эътиборга молик ҳисобланади.

Янги реализм замонавий назариясининг асосини С. Шаргунов, В. Пустова, А. Рудалева, Р. Сенчин, И. Калита, А. Ганиева, Е. Ермолина, Е. Ротай, А. Серова ва бошқаларнинг ишлари ташкил этиб, мазкур ишларда замонавий рус адабиётининг неореалистик поэтика масалалари⁶ муҳокама қилинган.

³ Бахтин М. М. Вопросы литературы и эстетики. Исследования разных лет. – М.: Художественная литература, 1975; Поспелов Г.Н. Введение в литературоведение. – М.: Высш. шк. – 1988; Тамарченко Н.Д. Теория литературы. – М.: Издательский центр «Академия», 2004; Томашевский Б. В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект Пресс, 1999; Томашевский Б. В. Краткий курс поэтики. – М.: КДУ, 2006; Хализев В. Е. Теория литературы. – М.: Академия, 2009; Борев Ю.Б. Теория литературы. Роды и жанры (основные проблемы в историческом освещении). Том 3. – М.: ИМЛИ РАН, 2003.

⁴ Лейдерман Н., Липовецкий М. Современная русская литература: 1950-1990-е годы. – Т.1, – М.: Издательский центр «Академия», 2003; Ремизова М. Только текст. Постсоветская проза и ее отражение в литературной критике. – М., 2007; Иванова Н. Ускользающая современность. Русская литература XX-XXI веков: от «внекомплектной» к постсоветской, а теперь и всемирной». – М.: Вопросы литературы, 2007; Чупринин С. Нулевые: годы компромисса. – М.: Знамя, 2009; Ермолин Е.А. Медиумы безвременья: Литература в эпоху постмодерна, или Трансавантгард. – М.: Время, 2015; Костырко С. Простодушное чтение. – М.: Время, 2010; Черняк М.А. Современная русская литература. – М.: Издательство Юрайт, 2019; Пустовая В. Пораженцы и преображенцы. – М.: Октябрь, 2005; Камилова С. Современный рассказ: содержательные векторы и повествовательные стратегии (динамика жанра в русской и узбекской литературах). – Ташкент, 2016.

⁵ Серова А.А. Новый реализм как художественное течение в русской литературе XXI века. //Дисс. на соиск. уч. степени к.ф.н., – Нижний Новгород, 2015; Камилова С.Э. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца XX – начала XXI века. – Ташкент, 2016; Ротай Е. «Новый реализм» в современной русской прозе: художественное мировоззрение Р. Сенчина, З. Прилепина, С. Шаргунова. – Дисс. на соиск. уч. степени к.ф.н. – Краснодар, 2013.

⁶ Шаргунов С. А. Отрицание траура // Журнальный зал: электронная библиотека. [Электронный ресурс] – URL: http://magazines.russ.ru/novyi_mi/2001/12/shargunov.html; Пустовая В. Пораженцы и преображенцы. – М.: Октябрь, 2005; Рудалев А. Катехизис «нового реализма». Вторая волна // XXI век. Итоги литературного десятилетия: язык – культура – общество. Самара: УлГТУ, 2011; Сенчин Р. Новый реализм – направление нового века // Пролог. 2001; Калита И. «Новый реализм» русской литературы в зеркале манифестов XXI века. // Slavica litteraria. – 2016; Ганиева А. А. И скучно, и грустно. Мотивы изгойства и отчуждения в современной прозе. – Журнальный зал: электронная библиотека. [Электронный ресурс] URL:

Ўзбек адабиётшунослигида мазкур илмий муаммо алоҳида тадқиқот мавзуси бўлмаган, бироқ замонавий рус адабиёти ёки жанр нуқтаи назаридан ёхуд ҳаётнинг бадиий модели сифатида XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида ўрганилган асарлар⁷ мавжуд. Таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиётшуносарининг мумтоз ва замонавий рус адабиёти тараққиётининг методологик, тарихий-адабий, адабий-таҳлилий муаммоларига бағишиланган тадқиқотлари алоҳида қизиқиши уйготади. А.Н.Давшан, С.Э.Камилова, Н.М.Петрухина, О.Н.Гибралтарскаяning тадқиқот ишлари⁸ Россия ва Ўзбекистонда замонавий адабий жараён ривожланишининг турли муаммоларига бағишиланган. Санаб ўтилган тадқиқотлар замонавий адабий жараённи ўрганиш учун қимматли назарий ва фактик материал бўлиб хизмат қиласди.

Неореализмга оид адабиёт контекстида янги адабиёт вакиллари сифатида З. Прилепин, Р. Сенчин ва а С. Шаргунов ижоди бўйича алоҳида тадқиқотлар⁹ мавжуд бўлиб, А.Ганиева ижодининг ўзига хослиги масаласи, ўзининг долзарблигига қарамай, шу пайтгача жиддий тарихий-адабий комплекс тадқиқот доирасида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Замонавий адабиётшуносликнинг долзарб муммалари” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий рус адабий жараён контекстида А.Ганиева ижодининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий адабий жараённинг ривожланиш тенденцияларини тавсифлаш, янги рус адабиётидаги даврларни ажратиб кўрсатиш;

неореализмни XXI асрнинг янги адабиётидаги йўналиш сифатида тавсифлаш, унинг асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш;

А. Ганиева ижоди бўйича илмий фикр юритишни тизимлаштириш;

http://magazines.russ.ru/novyi_mi/2007/3/ga15.html; Ермолин Е.А. Медиумы безвременъя: Литература в эпоху постмодерна, или трансавангард. – М.: Время, 2015; Ротай Е. «Новый реализм» в современной русской прозе: художественное мировоззрение Р. Сенчина, З. Прилепина, С. Шаргунова. – Дисс. на соиск. уч. степени к.ф.н., – Краснодар, 2013; Серова А.А. Новый реализм как художественное течение в русской литературе XXI века. – Дисс. на соиск. уч. степени к.ф.н., – Нижний Новгород, 2015.

⁷ Хегай О. Русская проза рубежа XX – XXI веков: современное состояние и тенденции развития. – Т., 2012; Гарипова Г. Художественная модель бытия в литературе XX века. – Т., 2012; Екабсонс Е.А. Время и пространство в современной русской драматургии рубежа XX-XXI вв. – Автореф. на соиск.уч.степени доктора философии PhD. – Ташкент, 2020; Балтабаева А. Развитие жанра повести в русскоязычной литературе Узбекистана. – Автореф. на соиск.уч.степени доктора философии PhD. – Ташкент, 2020; Бердиева Ш. Специфика нон-фикшн в современной литературе (на примере русской, узбекской и белорусской прозы). – Автореф. на соиск.уч.степени доктора философии PhD. – Ташкент, 2021.

⁸ Давшан А. Н. Творчество Михаила Пришвина в контексте мировой литературы. – Т., 2012; Камилова С.Э. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца XX – начала XXI века. – Автореф. д.ф.н. (DSc). – Ташкент, 2016; Петрухина Н.М. Рецептивное поле Ф.М. Достоевского в мировом литературном процессе XX века. – Ташкент, 2017; Гибралтарская О. Репрезентация художественных систем М.А. Булгакова, А.П. Платонова, Б.Л. Пастернака в современной русскоязычной литературе: Автореф. дисс. д.ф.н. (DSc). – Ташкент, 2020.

⁹ Ротай Е. «Новый реализм» в современной русской прозе: художественное мировоззрение Р. Сенчина, З. Прилепина, С. Шаргунова. // Дисс. на соиск. уч. степени к.ф.н., – Краснодар, 2013.

неореализм контекстида Алиса Ганиеванинг ҳикоя қилиш стратегиясининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

А. Ганиева насридаги Кавказ қиёфаси ва муаллиф “мен”ини таҳлил қилиш ҳамда унинг романларидаги “ўртамиёна одам” табиатини очиб бериш.

Тадқиқот обьектини А. Ганиеванинг асарлари, хусусан, “Салам тебе, Далгат!”, “Кавказский человек на rendez-vous”, “Про соседей и переселения”, “Про детей, хинкал, вызывание дождя и прочие мелочи”, “Путешествие к темной речке”, “Шайтаны” ҳикоялари ҳамда “Праздничная гора” и “Жених и невеста” романлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Россиядаги замонавий адабий жараённинг етакчи йўналиши сифатида неореализм контекстида А. Ганиеванинг бадиий олами ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Ушбу тадқиқотнинг методологияси қиёсий-тариҳий, структур-семантиқ, қиёсий-типологик усуллар ҳамда герменевтика тамоиллари ва бадиий матн таҳлили усуллари билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

замонавий рус адабий жараённинг 1990-2001 йиллар адабиётини ўз ичига олган XX – XXI асрлар бошидаги адабиёт ҳамда XXI асрнинг дастлабки йигирма йиллиги адабиётини ифодалайдиган энг янги давр адабиёти номли ривожланиш босқичлари тизими далилланган;

XXI асрнинг энг янги рус адабиётидаги янги оқим сифатида неореализмнинг постмодернистик ёзув маданиятига қарама-қаршилик сифатида пайдо бўлганлиги, реализмга асосланиши ҳамда “янги жиддийлик”ни ўзида акс эттириши, шунингдек, классик рус адабиёти анъаналарини давом эттириши каби хусусиятлари асосланган;

замонавий рус адабиётида янги реализмнинг шаклланиши нуқтаи назаридан А. Ганиева ижодининг кичик маълумотларни аниқлаш, деталларни йиғиш ва натуралистик тасвирлар орқали замонавий воқеликни акс эттириш, ёш авлоднинг типик қиёфасини яратиш, ёзувчининг ҳар бир асари Доғистон замонавий ҳаётининг мозаик тасвирининг бир қисми ҳисобланиши каби ўзига хос хусусиятлари исботланган;

онги ва хулқ-атвори, бир томондан, атроф-муҳит томонидан шартланган, иккинчи томондан эса, у баъзи нуқталарда мазкур шартларга қарши турадиган фикрловчи шахс сифатида “ўртамиёна одам” образи, бошқа асарлардаги одатий Кавказ тасвирларидан фарқ қиласидиган замонавий Кавказ қиёфаси ҳамда муаллиф “мен”ининг ретроспекция, параллеллизм ва фрагментлилигка асосланган ўзига хослиги А. Ганиеванинг неореалистик ёзиш техникасининг етакчи белгилари эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

илгари ўрганилмаган А. Ганиеванинг асарлари илк бор илмий муомалага киритилган;

XXI асрнинг энг янги адабиёти концепциясини яратиш учун замонавий адабиётшуносликнинг методологик базаси тўлдирилган;

замонавий адабиётнинг иккинчи даври концепцияси ишлаб чиқилган;

замонавий ёзувчининг неореалистик ёзиш техникасининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг замонавий адабиёт асарларини матнни адабий таҳлил қилиш ва таркибий-семантик усул орқали ўтказилган адабий таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ушбу тадқиқот натижаларини адабиёт тарихи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзишда, “Замонавий адабий жараён”, “Бадиий матннинг адабий таҳлили” фанлари бўйича маъруза ва семинарлар ишланмаси учун материал сифатида, тадқиқотнинг хулосалари ва натижаларидан илмий мақолалар, номзодлик ва магистрлик диссертациялари, битириув малакавий ишларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан замонавий адабиётни таҳлил қилишда, “Неореализм XXI аср бошлари замонавий адабий жараённинг ёрқин йўналиши сифатида” луғат матнини тузишда қўллаш, шунингдек, “Замонавий адабий жараён”, “Бадиий матннинг адабий таҳлили” фанларидан амалий машғулотлар ўтказишда ҳамда умумтаълим мактабининг 11-синфида “Замонавий рус адабиёти” мавзусидаги адабиёт дарсларида қўшимча материаллар сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий рус адабиёти тараққиёти ва А. Ганиева ижодини таҳлил қилиш жараённида қўлга киритилган натижа ва хулосалар асосида:

замонавий рус адабий жараённинг 1990-2001 йиллар адабиётини ўз ичига олган XX – XXI асрлар бошидаги адабиёт ҳамда XXI асрнинг дастлабки йигирма йиллиги адабиётини ифодалайдиган энг янги давр адабиёти номли ривожланиш босқичлари тизимига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ – Ф1-80 “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг 2020 йил 28 декабрдаги 427-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий адабий матнларни таҳлил қилишда қўлланилиши таклиф этилган структуравий-семантик усулнинг замонавий адиллар ижодини глобаллашув ва миллий анъаналарни асраб-авайлаш муаммоларини бадиий талқин этиш нуқтаи назаридан ўрганишдаги самарадорлиги кўрсатилди;

XXI асрнинг энг янги рус адабиётидаги янги оқим сифатида неореализмнинг постмодернистик ёзув маданиятига қарама-қаршилик

сифатида пайдо бўлганлиги, реализмга асосланиши ҳамда “янги жиддийлик”ни ўзида акс эттириши, шунингдек, классик рус адабиёти анъаналарини давом эттириши каби хусусиятлари ҳамда замонавий рус адабиётида янги реализмнинг шаклланиши нуқтаи назаридан А. Ганиева ижодининг кичик маълумотларни аниқлаш, деталларни йигиш ва натуралистик тасвирлар орқали замонавий воқеликни акс эттириш, ёш авлоднинг типик қиёфасини яратиш, ёзувчининг ҳар бир асари Дофистон замонавий ҳаётининг мозаик тасвирининг бир қисми ҳисобланиши каби ўзига хос хусусиятларига оид хulosалардан Ўзбекистон рус маданий марказида ўтказилган “Новые технологии в преподавании русского языка и литературы” илмий-амалий семинарини ташкиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон рус маданий марказининг 2021 йил 01 апрелдаги 02-54-сон маълумотномаси). Натижада, “неореализм”, “замонавий неореалистик ёзиш техникаси”, “Алиса Ганиева ижоди” каби тушунчалар илмий ва маданий фойдаланишга киритилди;

онги ва хулқ-автори, бир томондан, атроф-муҳит томонидан шартланган, иккинчи томондан эса, у баъзи нуқталарда мазкур шартларга қарши турадиган фикрловчи шахс сифатида “ўртамиёна одам” образи, бошқа асарлардаги одатий Кавказ тасвирларидан фарқ қиласиган замонавий Кавказ қиёфаси ҳамда муаллиф “мен”ининг ретроспекция, параллелизм ва фрагментлилигка асосланган ўзига хослиги А. Ганиеванинг неореалистик ёзиш техникасининг етакчи белгилари эканлигига оид хulosалардан “Оилавий” телеканалининг “Семейное утро” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясиининг 2021 йил 12 февралдаги 02-39-217-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар замонавий дофистонлик носир А. Ганиева ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишди, бу эса ўз навбатида томошабинларда маданий бағрикенглик туйғусининг шаклланишига хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий маъруза қўринишда 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, хорижий илмий журналларда 6 та мақола, шу жумладан, 1 та мақола WOS илмий базасида индексланган илмий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хulos, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети

тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, амалий натижалари ва илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Мазкур диссертациянинг биринчи боби – “**Замонавий рус адабий жараён: концепциялар, йўналишлар, тенденциялар**” деб номланиб, учта фаслдан иборат. Ушбу бобда Россиядаги замонавий адабий жараённинг тавсифи берилган.

“Замонавий рус адабиёти адабий танқид кўзгусида” номли биринчи фаслда адабиётшунос олимларнинг замонавий адабий жараёнга оид назарий тадқиқот тажрибалари умумлаштирилган ҳамда замонавий адабиёт тараққиётининг характерли тенденциялари ва босқичлари ёритилган. Илмий-танқидий адабиётларни таҳлил қилиш барча материалларни 2 гурӯхга бўлиш имконини беради: 1-гурӯх тадқиқотчилар – Н. Лейдерман, М. Ремизова, Н. Иванова, С. Чупринин¹⁰ ва бошқалар – адабиётларни сегментларга, гурӯҳларга, оқимларга бўлишган ҳамда замонавий адабиётнинг кўп даражали таснифини таклиф қилган ҳолда юқорида санаб ўтилган олимлар параллел равищда ривожланаётган иккита доминант ҳодисага эътибор қаратадилар: экспериментал адабиёт (модернизм, постмодернизм, соц-арт, необарокко) ва анъанавий адабиёт, лекин янги ёзиш техникаси билан уйғунлашган ҳолда (реалистик анъана); 2-гурӯх тадқиқотчилари XX-XXI асрлар бўсағасидаги замонавий адабиётнинг табиатини кенгроқ кўриб чиқишидади. Бинобарин, Е. Ермолин, С. Костырко, М. Черняк, В. Пустовая, С. Камилова¹¹ замонавий адабиёт “существует в условиях художественного плюрализма, она взывает к самым разным традициям и вдохновляется разными проектами, включая отнюдь не авангардистского характера традиции большого размера (реализм, романтизм и др.); не отказывается ни от каких средств традиционного авангарда”¹² деб ҳисоблашади. Бу ерда ҳам эксперимент асосида, ҳам ўрнатилган тамойиллар асосида адабиётни сифат жиҳатидан янгилашга ургу берилади. Бундан ташқари, ушбу параграфда замонавий адабиётнинг икки даврга бўлиниши асосланади: XX -XXI аср бошлари адабиёти (1990-2001) ва энг янги адабиёт – XXI асрнинг биринчи йигирма йиллиги адабиёти.

¹⁰ Лейдерман Н., Липовецкий М. Современная русская литература: 1950-1990-е годы. – Т.1. – М.: Издательский центр «Академия», 2003; Ремизова М. Только текст. Постсоветская проза и ее отражение в литературной критике. – М., 2007; Иванова Н. Ускользающая современность. Русская литература XX-XXI веков: от «внекомплектной к постсоветской, а теперь и всемирной» // Вопросы литературы, 2007. – № 3; Чупринин С. Нуевые: годы компромисса. // Знамя, 2009. – №2. [Электронный ресурс] – URL:<https://magazines.gorky.media/znamia/2009/2/nulevye-gody-kompromissa.html>.

¹¹ Ермолин Е.А. Медиумы безвременъя: Литература в эпоху постмодерна, или Трансавангард. – М.: Время, 2015; Костырко С. Простодушное чтение. – М.: Время, 2010; Черняк М.А. Современная русская литература. – М.: Издательство Юрайт, 2019; Пустовая В. Пораженцы и преображенцы. – М.: Октябрь, 2005; Камилова С. Современный рассказ: содержательные векторы и повествовательные стратегии (динамика жанра в русской и узбекской литературах). – Ташкент, 2016.

¹² Ермолин Е.А. Медиумы безвременъя: Литература в эпоху постмодерна, или Трансавангард. – М.: Время, 2015. – С.10

Қайд этилишича, агар аср бошлари адабиётида инсон ва олам, инсон борлиғи ва мавжудлиги бир-биридан ажралмас бўлган, ҳаёт эса бир бутунлик бўлиб, уни моҳият ва ҳодиса, материя ва рух, предмет ва субъектга ажратиб бўлмайдиган “ҳаёт фалсафаси” ғояларининг таъсири кузатилган бўлса, XXI асрнинг дастлабки йигирманчи йиллар адабиётида эса воқеликнинг объектив қонуниятларини максимал даражада чуқур англаш, реалликнинг яхлит ва изчил образини яратиш, бадиий образларнинг ижтимоий замин билан алоқасининг мажбурий элементларга айланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Россияда китоб бозорининг кўпайиши суръатининг ўсиши замонавий ёзувчининг ўз олдига аниқ бир саволни қўйишига унади: ҳалқ учун ёзинг ва пул ишланг ёки юракнинг чақириғига кўра ёзинг. Юқорида айтиб ўтилган фикрларга шуни қўшимча қилиш керакки, энг янги давр адабиёти энди ўқувчи билан “ўйнамайди”, афсона ва стереотипларни рад этмайди, ҳақиқатни инкор этмайди, балки ўқувчига ёзувчининг фақат индивидуал тажрибасини, шунингдек, ҳаётнинг баъзи жиҳатларига нисбатан вужудга келган шахсий қарашларини етказади. Бунда ёзувчилар ҳақиқатни очик-оидин талаб қилмайди, ҳаётни ўргатмайди, ҳукм қилмайди ёки танқид қилмайди, бу каби асарларда асосий эътибор воқелик лаҳзаларини тузатишга, “ўртамиёна одам”ни ўрганишга, кундалик ҳаёт ва ҳис-туйғуларни батафсил тасвирлашга қаратилган. Ҳар бир сўз санъаткорининг ўз овози бор, бу овозлар бир хил оҳангда гапирмайди, улар кўп векторли ва турли оҳангга эга. Лекин айни пайтда уларни бир нарса – бугунги замонни тузатишга уриниш бирлаштириб туради.

Иккинчи фасл “XXI асрнинг биринчи йигирма йиллиги рус адабиётида янги реализм” деб номланиб, ушбу фасл “неореализм” адабий ҳодисасини ўрганишга, XXI асрнинг биринчи йигирма йиллигига оид рус адабиётидаги янги реализмнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилишга бағишлиланган. Мазкур даврда С. Шаргунов, В. Пустова, Р. Сенчин турли манифест, мақола ва интервьюларда нафакат янги оқим тарафдори, балки бутунлай янги матнлар яратувчиси сифатида ҳам қатнашган бўлиб, бунинг натижасида адабий жамоатчилик уларга ўз-ўзидан неореализм вакиллари мақомини берган. Ушбу фаслда 2000-йилларда реализмга бурилишни актуаллаштирган омиллар тизимлаштирилиб, янги адабий оқимнинг бир нечта хусусиятлари аниқлаштирилган.

Мазкур фаслда неореализмнинг XXI асрнинг энг янги адабиётидаги бир йўналиши эканлиги, у постмодернистик ёзув маданиятига қарши куч сифатида пайдо бўлганлиги ва “янги жиддийлик”ни касб этиши, шунингдек, классик рус адабиёти анъаналарини давом эттириши таъкидланган.

Тадқиқотнинг “Замонавий танқидни баҳолашда А.А. Ганиева ижоди” номли учинчи фасли замонавий рус ёзувчиси – Алиса Аркадьевна Ганиева ижодининг замонавий адабий жараённинг ёрқин намояндаси сифатидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлашга бағишлиланган. А. Ганиева ижоди бўйича илмий ўрганиш таҳлили тадқиқотнинг 3 турини ажратиш имконини беради:

тақризлар, шарҳлар; илмий мақолалар; тадқиқотчиларнинг маълум бир адабиётшуносликка оид муаммо призмасидан олиб борган тадқиқотлари. Мазкур ижодкорни ўрганган тадқиқотчиларининг фикр-мулоҳазалари асосида А. Ганиева неореализмнинг кўзга кўринган намояндаси эканлиги, замонавий ҳаётни муаллиф дунёқараши призмаси орқали акс эттириши борасидаги фикрларни тасдиқлаш мумкин.

Икки фаслдан иборат “Алиса Ганиеванинг ҳикоя стратегияси янги реализм призмаси орқали” номли иккинчи бобда А. Ганиева асарларидаги ахлоқий ва фалсафий муаммоларни тушунишга оид масалалар ўрганилган.

“А. Ганиеванинг “Салам тебе, Далгат!” ҳикоясида Кавказ қиёфаси” номли биринчи фаслда анъанавий ҳикоя ва неореалистик ёзиш техникаси хусусиятларининг комбинацияси мавжуд бўлган ушбу асарнинг таҳлили амалга оширилган бўлиб, қайд этиш лозимки, матнда замонавий Кавказ қиёфасига алоҳида ўрин берилган.

Кўшимча қилиб айтиш керакки, муаллифнинг “Салам тебе, Далгат!” асари Догистон халқининг замонавий ҳаётини ёритиб беришга бағишиланган. Бу мавзу ижтимоий-маданий масалалар призмаси орқали тушунилади: муаллиф Догистон аҳолисининг ҳаёти, урф-одатлари, одатлари, турмуш шароити, дунёқараши билан қизиқади. А. Ганиева бошқа асарларда ёритилган романтик Кавказ қиёфасини бузади ва унинг бутунлай янги қиёфасини яратади – бошқача, ноодатий, номаълум. Мазкур фаслда А. Ганиеванинг нафақат Кавказнинг класик қиёфаси, балки постмодернизм ва оммабоп адабиётга хос бўлган барча турдаги ўйин шаклларидан бутунлай воз кечиши алоҳида таъкидланган. У “янги жиддийлик” техникасини танлайди – у “инсон ҳужжати” асосида, романтизмга урғу бермасдан, Кавказнинг ҳақиқий қиёфасини яратади.

Шуниси эътиборга лойиқки, рус мумтоз адабиётида Кавказ ва унинг аҳолисига алоҳида эътибор берилган. В. Белинский ёзганидек, “с легкой руки Пушкина, Кавказ сделался для русских заветною страною не только широкой, раздольной воли, но и неисчерпаемой поэзии, страною кипучей жизни и смелых мечтаний!”¹³. Агар А. Пушкин черкес аёлининг ёрқин муҳаббат йўлида, яъни ўз севгилисининг озодлиги ва баҳт-саодати йўлида жонини фидо этаётган романтик образини яратган бўлса, М. Лермонтов ҳам романтик йўналишни давом эттириб, Кавказнинг табиати ва руҳини куйлаган. Л. Толстой, аксинча, Кавказни реал кўрсатишга ҳаракат қилган. Ёзувчи ниҳоятда нозик психологизм асосида икки хил маънавий ва маданий шаклланиш ўртасидаги чуқур, деярли антагонистик тафовутга асосланган энг мураккаб конфликт хусусиятларини очиб беришга муваффақ бўлди. У ўзига хос услубда ўзининг Кавказ ҳақидаги асарини яққол романтик қатламлардан ҳоли тарзда яратади. Замонавий адабиёт ёзувчилари ҳам Кавказ образига мурожаат қилишади. Шу тариқа, В. Маканин “Кавказский пленный” (1994) асарида

¹³ Белинский В.Г. Собрание сочинений в трех томах под общей редакцией Ф. М. Головенченко. ОГИЗ, ГИХЛ, М., 1948. Том III. Статьи и рецензии 1843-1848// Редакция В. И. Кулешова. http://az.lib.ru/b/belinskij_w_g/text_0170.shtml

Пушкин, Лермонтов, Толстой, Достоевский анъаналаридан салмоқли фойдаланиб, диний ва миллий қарама-қаршиликларнинг авж олиши шароитида инсон ва жамиятнинг маънавий компонентини очиб беради. А. Ганиеванинг “Салам тебе, Далгат!” қиссасида Кавказ ичкаридан, резидентнинг назари билан ёритиб этилган. Асадаги воқеа схемаси хронотопик тарзда бир кунга тўғри келади. Бу услуб рус адабиётида янгилик эмас, бунда А. Солженициннинг “Один день Ивана Денисовича” номли машхур ҳикоясини эслаш кифоя. Алиса Ганиева ушбу техникадан воқеликни максимал даражада умумлаштиришга эришиш учун фойдаланади. Далгат ёш авлод вакили сифатида барча ижтимоий қатламлар ўртасидаги боғловчига айланади. Тафсилотларнинг тўпланиши, суръатлар ва ракурсларнинг тез-тез ўзгариши (бу ҳам неореализм белгисидир) замонавий воқеликни ҳар томонлама ёритишга имкон беради. Матннинг баён шаклидаги тузилиши ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, янги Кавказни ҳар томонлама очиб беришга қаратилган: муаллиф ёки ҳикоячи ролида ёки ҳикоядаги қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳикоянинг биринчи бобларида ҳаётнинг ранг-баранг тасвири берилган: «Рядом с товаром, выведенные на куске бумаги шариковой ручкой, лепились названия сел, откуда их привезли: «Гергебиль», «Ботлих», «Ахты»... Под прилавками между раздавленными гранатами и персиками ползали полуслепые и блохастые котята. Распаренные и уморенные, с возбужденно бегающими глазами, вокруг двигались люди. Осторожные старушки с аккуратными хвостиками, утомленные девушки в блестящих вечерних платьях, на каблуках и с ведрами огурцов в руках, парни в спортивках, дамы с вуалетками. «Бери, парень, зелень, бери! Петрушка, кинза, укроп! Все свежий!», «Парень, смотри какая картошка, хорошая, не червивая, взвесить тебе?», «Подходи, откуси абрикос, на, пробуй», «Возьми тоже на пробу, парень, яблоки сочные, некислые»...»¹⁴. Бундай деталларга бой ва батафсил натуралистик тасвирдан замонавий Кавказ қиёфасини ёритишида ҳам қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳикоянинг ҳар бир қисми – Догистонга хос замонавий ҳаётнинг мавжудлигини ифодалаган мозаик расмнинг бир қисми бўлган ўзига хос жумбоқдир. Агар матн композициясига мурожаат қиласиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, муаллиф туйфулар, ҳиссиётлар, ички кечинмалар, реакциялар, ҳаракатлар, товушлар, овозлар, хидлардан иборат занжирни яратишга ҳаракат қиласи.

“А.Ганиеванинг кичик асарларида муаллиф “мен”и” номли иккинчи фаслда “Кавказский человек на *rendez-vous*”, “Про соседей и переселения”, “Про детей, хинкал, вызывание дождя и прочие мелочи”, “Путешествие к темной речке” ҳикоялари таҳлили берилган бўлиб, мазкур фаслда асарлардаги муаллиф мавжудлигининг ўзига хос турли шакллари очиб берилган.

А.Ганиеванинг “Кавказский человек на *rendez-vous*” ҳикоясида асосан ижтимоий муаммолар акс эттирилган. Асар номининг ўзи рамзий маънога эга бўлиб, у ўкувчини бевосита Н. Чернышевскийнинг «Русский человек на

¹⁴ Ганиева А. Салам тебе, Далгат! // Редакция Е.Шубиной. – М.: АСТ, Астрель, 2010, – С. 1. http://loveread.ec/view_global.php?id=37097

rendez-vous» с подзаголовком «Размышления по прочтении повести г. Тургенева «Ася»»¹⁵ номли мақоласи бўйича фикр юритишига ундаиди. А. Ганиева ҳам ўз асарида Н. Чернышевский каби замонавий инсоннинг стереотипик тафаккурини акс эттиради. Н.Чернишевскийнинг фикрича, бундай инсонни тарбиялаган жамият айбдор. Алиса Ганиева ҳар бир инсон индивидуал эканлигига ишониб, ўзи англаган ҳолда танқиддан қочади: «Проблема в том, что грести всех под одну гребенку гораздо удобнее...»¹⁶. Оддий шароитларда оддий қаҳрамонни тасаввур қила олмайсиз, деб ҳисоблайди ёзувчи. Ва бу, бизнингча, реализм ва неореализм ўртасидаги асосий фарқдир. Ганиеванинг кавказлик одами, биринчи навбатда, Догистон ёшларининг замонавий вакили бўлиб, ҳаёт тез ўзгарувчан кадрлардан иборат фильмга ўхшаб қолган шароитда омон қолишига ҳаракат қиласди.

А. Ганиева “Про соседей и переселения” ҳикоясида ўзининг болалик хотираларига тўхталиб, муаллиф болаликни ўзига хос “йўқолган жаннат” сифатида қабул қиласди. Бу ерда биз муаллифнинг “мен”ининг вояга етмаган-ретроспектив тури¹⁷ ҳақида гап боради. Ўз ўтмишига шўнғиши усули муаллифга шошилинч нарсаларни бир мунча вақт унтишига, хотираларга шўнғишига, таҳлил қилишига, хатоларни тузатишига ёрдам беради ва, эҳтимол, ўқувчига ўз мисолида вазиятни турли томонлардан қўришига ёрдам беради. Болалик, бу ҳолатда, ўқувчига яқинлашиш, унга ҳолатни кўрсатиб бериш, уни ўз ортидан етаклаш, тавба қилиш ва унинг руҳиятини очиб беришига уриниш сифатида қабул қилинади. Шу аснода, муаллиф ўз ҳаётидаги энг азиз ва энг муҳим образларни тасвирлайди: “У дедушки здесь была большая пятикомнатная квартира, по советским меркам очень богатая. В ней были хрустальные люстры, старинные телефоны, ценные безделушки с выгравированными надписями от партийных коллег, книжные шкафы с редкими подписными изданиями и даже бар с бутылками и с маленьkim рыцарем, в котором прятались рюмки. Кроме нас и дедушки с бабушкой в квартире жил еще папин младший брат с семьей и дочка другого брата. В коридоре в ряд стояли детские горшки”¹⁸. Тасвирлаб ўтилган ҳар бир арзимас нарса муаллиф учун алоҳида аҳамиятга эга эди, у уларга ўзгача илиқлик ва ҳаяжонни ҳис қиласди. Эътибор бериш керакки, матнда неореалистик ёзиш техникаси белгилари сифатида “...лирические медитации, признания и воспоминания, и трезвый социальный реализм”¹⁹ ёрқин намоён бўлади.

“Про детей, хинкал, вызывание дождя и прочие мелочи” ҳикоясида Алиса Ганиева бола тарбияси ва қийинчилик билан ўтган болалик даврини

¹⁵ Чернышевский Н. Г. Русский человек на rendez-vous [1]. Размышления по прочтении повести г. Тургенева «Ася». <https://www.rulit.me/books/russkij-chelovek-na-rendez-vous-statya-read-311593-1.html>

¹⁶ Ганиева А. Салам тебе, Далгат! // Редакция Е.Шубиной. – М.: АСТ, Астрель, 2010, – С. 110. http://lovoread.ec/view_global.php?id=37097

¹⁷ Камилова С. Современный рассказ: содержательные векторы и повествовательные стратегии (динамика жанра в русской и узбекской литературе). – Ташкент, 2016. – С. 156.

¹⁸ Ганиева А. Салам тебе, Далгат! // Редакция Е.Шубиной. – М.: АСТ, Астрель, 2010, – С. 159. http://lovoread.ec/view_global.php?id=37097

¹⁹ Ермолин Е. Не делится на нуль. // Журнальный зал, 2009. [Электронный ресурс] – URL: <https://magazines.gorky.media/continent/2009/140/ne-delitsya-na-nul.html>

тасвирлайди. Унинг эътибори Доғистон аҳолисининг замонавий ҳаёт тарзига қаратилади, бу ерда Доғистон маданиятига нисбатан ҳурмат ҳамда ҳаяжон билан муносабатда бўлишга урғу берилади. Ҳикоянинг экспозицияси оддий тасвир устига қурилган: “В Махачкале нет детских площадок, а детей много”²⁰. Болалик қувонч, ўйин-кулги, болалик кулгуси ороли сифатида бир вақтнинг ўзида умидсизлик, қайғу, йўқотиш масканига айланади: “Дети обычно лазают по гаражам, качаются на турниках и бегают по улицам”²¹, – маҳаллий болаларнинг барча болаларча ҳазиллари айнан шу ерда тугайди. Ҳаётнинг барча ўнқир-чўнқирликлариға қарамай: “...и дети, и учителя в нашей школе были умные, интеллигентные. А старшеклассники, несмотря на появившиеся в городе дискотеки, – чистые, неиспорченные”²². Муаллиф Доғистонлик болаларни тарбиялашнинг ахлоқий ва маънавий жиҳатларига эътибор қаратади, ҳар бир қавказ оиласида сингдирилган анъана ва урф-одатларга нисбатан муносабатни ёритиб беради. Бироқ, шафқатсизлик Махачқалъада истиқомат қилувчи замонавий одамларнинг ўзига хос белгисига айланиб боради. Асар ҳалқали композицияга эга, мазкур композициянинг асосий усулларидан бири ҳикоянинг бошида ва охирида бир хил гапларни тақрорлашдир. Қарама-қаршиликнинг композицион техникаси ўтмиш ва ҳозирги замон тасвирларини ўзгариришга асосланади, бу ерда ўзгаришлар ва анъаналарга урғу берилади. Тақрорлаш ва қарама-қаршилик техникасининг синтези алоҳида эпизодлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат маҳсус композицион мозаик эфект беради. Ҳатто асарнинг номи ҳам муаллифнинг маҳсус жумбокларини ифодалайди: «Про детей, хинкал, вызывание дождя и прочие мелочи». Алиса Ганиева ижодида болалар ва ўсиб келаётган авлод тарбияси, миллий таомлар, анъана ва урф-одатлар, барча турдаги маросимлар асосий йўналиш бўлиб хизмат қиласиди. Айнан шу масалалар ва уларнинг устуворлиги Кавказ ҳалқининг ўзига хос хусусиятидир.

“Путешествие к темной речке” ҳикояси жуда кўп сонли образларни ўз ичига олади, уларнинг атрофида кичик ва нотаниш бўлган фермер ҳўжаликлари оддий аҳолисининг ҳаёти тасвирланган. Тафсилотлар тўплами, ҳужжатли ва кундалик ёзувлар неореализмнинг етакчи белгилари сифатида Алиса Ганиева мурожаат қиласидиган асосий усулларга айланади. Ушбу ҳикояда воқеалар динамикасини белгилайдиган кўплаб ҳикоялар бериб кетилади. Ушбу ҳолатда бир қарашда тарқоқ ва тасодифий бўлган, бироқ битта чигалга тўпланган ҳодиса чизикларининг маълум бир қатламлари мавжуд. Демак, ҳар бир ҳикоя чизиги олдидан алоҳида лирик чекинишлар содир бўлади: домла Али-Асхаб ҳақидаги фожиали ҳикоя; яхши одам яшаган жой ҳақида ҳикоя; иккинчи амакиваччаси Нупайсат ва унинг эри билан танишиш; Бацада қишлоғидан бир оила ва уларнинг уйида хизмат қиласидиган рус қизи Гулянинг ҳикояси. Асарнинг ҳар бир қаҳрамони жамиятнинг маълум бир қатлами

²⁰ Ганиева А. Салам тебе, Дағат! // Редакция Е.Шубиной. – М.: АСТ, Астрель, 2010, – С.143. http://loveread.ec/view_global.php?id=37097

²¹ Ўша асар. – С. 143.

²² Ўша асар. – С. 148.

вакилидир. Масалан, қандайдир ҳалокатли баҳтсиз ҳодиса туфайли ҳалокатга учраган ва қайтиб ўз ҳолига келмаган ўқитувчи Али-Асхаб образи. Бундан ташқари, ўлим ҳақида мулоҳаза қилган Марям ва кейинроқ ушбу сўроқда қатнашадиган икки фаришта образлари. Шунингдек, маълум бир яхши одам “...пшел в гору, и с горы скатился камень и убил хорошего человека. Теперь к этому камню приходят молиться”²³ ҳақида ҳикоя. Буларнинг барчаси бизга, яъни асар ўқувчилариға цивилизациядан узоқда яшайдиган ва мазмунли турмуш тарзини олиб борадиган оддий қишлоқ одамининг қиёфасини тасвиirlаб беради.

“Шайтаны” ҳикояси этнографик очеркка ўхшайди – ушбу ҳикояда мамлакатнинг нафақат ижтимоий, балки вақтинчалик ўзгаришлар билан ҳам белгиланадиган ҳақиқий қиёфаси берилган. Бундан ташқари, рус ва доғистонликларга хос лаҳжалар аралашмаси билан тўйинган диалогларнинг кўплиги муаллифга кўп овозлиликни, фикрлар ва қарашларнинг ҳилмажиллигини етказишига ёрдам беради. Ҳикоячининг ажралиб туриши, баҳоловчи хусусиятларнинг йўқлиги ҳалқнинг кўп қиррали қиёфасини яратади: «В каждом селе у нас разные люди, хоть одной нации. В одном – трудяги, в другом – математики, в третьем – поэты, в четвертом – ученые, в пятом – разбойники, в шестом – мастера, в седьмом – дураки. Эти, – он кивнул туда же, куда Муху указывал локтем, – дураки»²⁴. Буларнинг барчаси Ганиевага хос неореалистик ёзиш техникасининг муҳим белгилариға айланади.

Диссертациянинг “А. Ганиева романларидаги ўртача одам” номли учинчи бобида Алиса Ганиеванинг “Праздничная гора”, “Жених и невеста” романлари таҳлили амалга оширилган. Мазкур асарларда неореалистик матнларда бош қаҳрамон бўлган “ўртамиёна одам” образига алоҳида эътибор берилади. Салтыков-Щедриннинг фикрига кўра, “ўртамиёна одам” оломон орасида тез-тез учраб турадиган одамлардир: “и чиновники, и писатели, и священники, и ученые, и дворяне, и разночинцы – все, кто исповедуют принцип”²⁵ “умеренности и аккуратности”²⁶. Бундан ташқари, тадқиқотчи А. Серовнинг С. Шаргунов, З. Прилепин, Р. Сенчин ва бошқа неореализмнинг кўзга кўринган намояндалари фаолияти таҳлилига асосланиб, “ўртамиёна одам”га қуидагича таъриф беради: “новый герой... является человеком из поколения детей Перестройки, лишенным приемлемых жизненных ориентиров, брошенным поколением отцов на произвол судьбы. Связь с прошлыми поколениями утрачена, поэтому ценности необходимо обрести самостоятельно, совершив конкретные и осозаемые поступки, требующие волевого и нравственного усилия”²⁷. Назарий материалларни таҳлил қилиш

²³ Ганиева А. Салам тебе, Далгат! // Редакция Е.Шубиной. – М.: АСТ, Астрель, 2010, – С.122. http://loveread.ec/view_global.php?id=37097

²⁴ Ўша асар. – С. 83.

²⁵ Bernkopf Naira. Образ «среднего человека» в «городских повестях» Ю.В. Трифонова. – Брно, Чехия. – 2015. – https://is.muni.cz/th/p4aun/-kopie_2.pdf

²⁶ Салтыков-Щедрин, М.Е.: В среде умеренности и аккуратности. http://rvb.ru/saltykov-shchedrin/01text/vol_12/01text/0352.htm

²⁷ Серова А.А. Новый реализм как художественное течение в русской литературе XXI века. //Дисс. на соиск. уч. степени к.ф.н., – Нижний Новгород, 2015. – С.248.

бизга “ўртамиёна одам” – ақлли одам тушунчасига мос равища, бу бир томондан, онги ва хулқ-автори атроф-муҳит билан бевосита боғлиқ бўлган, бошқа бир томондан эса у баъзи нуқталарда бунга қарши чиқадиган ўз фикрига эга шахс эканлигини таъкидлашга имкон беради.

